# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 4 апрель. Жума № 27 (5.800). Сотувда эркин нархда


*Андижон усули қулоч ёймоқда*

## ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

***Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» ҳиссадорлик жамиятининг Алижон Ражабов етакчилик қилаётган бригада далаларида плёнка остига экилган чигит униб чиқди. Мутахассисларнинг фикрича, чигит эрта унишининг асосий сабаби ерларни мавсумга тайёрлаш ва экиш жараёнида ўғитлашга, янги технологиядан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилганидадир. Жорий йилда ҳиссадорлар 850 гектар майдонда пахта етиштиради, шундан 300 гектарида ғўза андижонча усулда парваришланади.***

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Наманганда қўш хабар*

## МАВСУМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Турақўрғон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги пахтакорлари 210 гектар ерга чигитни Андижон усулида плёнка остига экиб бу борадаги вазифани вилоятда биринчилар қаторида якунладилар.

— Режага қўшимча яна 50 гектар жойга чигитни янги усулда қадаймиз, — дейди хўжалик раҳбари Тўхтабой Бектемиров. — Бунинг учун барча чора-тадбирларни кўраяпмиз.

Очиқ майдонга уруғлик қадаш ишлари ҳам қизғин давом этаяпти. Мавсум, айниқса Авазбек Назаров, Камолиддин Ғанибоев, Мамадали Сатторов бош бўлган бригадаларда кўнгилдагидек ташкил этилган. Хўжалик деҳқонлари ушбу юмушни ўнинчи апрелгача тугаллашга қарор қилишган.

**А. ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## ПАРҚУГА БУРКАНГАН ДАЛАЛАР

**Шу кунларда Чортоқ тумани хўжаликларига бориб қолсангиз, ажиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Назаримизда, парқу булутлар далаларда турна қатор бўлиб, эгатларни бағрига олгандек. Бу аслида жўяклар устидан тортилган поёндоз-плёнкалардир.**

**Жорий йилда туман бўйича 540 гектар майдонда янги усул асосида ғўза ўстириш режалаштирилган. Жумладан, Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги пахтакорларининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовордир.**

**Хўжалик аъзолари бу йил 150 гектар майдонда андижонликлар технологияси асосида оқ олтин етиштиришади. Маматжон Мусаев, Йўлдошбой Турғунов, Баҳодир Каримов, Раҳимжон Деҳқонов, Рустамжон Давлатовлар етакчилик қилаётган бригадалар пахтакорлари кўтаринки кайфиятда иш олиб боришаяпти. Улар янги усул афзаллиги, шарофатини намоён этиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.**

**Айни чоғда Маҳаммад Қозоқов, Акрамжон Мирзаакбаров, Абдували Қодиров сингари тажрибали механизаторлар плёнка остига чигит экадиган сеялкаларни моҳирона бошқариб, кунига 8—10 гектар майдонга «С—6524» навли уруғ қадашяпти.**

**— Мавсумга ҳар бир бригада аъзолари, механизаторлар пухта тайёргарлик кўрганликлари туфайли чигит экишга мўлжалланган майдонлар кун сайин плёнкали оқ парқуга бурканиб бормоқда, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Шарипбой Қурбонов. — Ниятимиз ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, соҳадан мўмай даромад олишга эришишдир.**

**Э. ТЎЛАГАНОВ.**



**Мусаввир М. Жўраев чизган ушбу расмларда Андижон усулида чигитни плёнка остига экишда жонбозлик кўрсатаётган Ромитан туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Шавкат Шодиев, механизатор Шуҳрат Шеров, Жондор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Башхулло Мирзаевларни кўриб турибсиз.**

## БАҲОР ЧОРЛАР

Баҳор нафаси уфуриб турган шу кунларда Бухоро вилояти далаларида кўкламги экиш қизигандан-қизиган. Заҳматкаш бободеҳқонлар бу йил ҳам зўр кўтаринки руҳ, иштиёқ билан меҳнат қилиш эвазига зиммаларига юксак вазифаларни қабул қилганлар. Жумладан, вилоятда 403 минг тонна пахта етиштириш ва ҳосилдорликни гектарига 31,2 центнерга етказилиши кўзда тутилмоқда. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун 129 минг гектарга чигит қадалади. Шундан 12,5 минг гектарида чигит плёнка остига экилади. Бунга зўр тараддуд кўрилиб, 686 тонна плёнка тайёрлаб қўйилди. Айни чоғда 218 та махсус сеялка унумли ишлаб турибди. Бундан ташқари вилоят туман ва хўжаликларида очиқ майдонда чигит экиш учун 1412 та сеялка мавсумга шай. Экишни жадал суръатда тугатиш мақсадида 1600 та ҳайдов, 4059 та чопиқ тракторларининг унумли ишлаши чораси кўрилган.

Вилоятда чигитни плёнка остига экишни 10 апрелгача, очиқ майдонда эса 20 апрелгача тугаллаш белгиланган.

Ҳозиргача вилоятда 600 гектар майдонда плёнка остига чигит экилди. Бунда айниқса Олот, Пешку, Ромитан ва Шофиркон туманлари пешқадамлик қилмоқда. Бу туманларнинг баъзи раҳбарларини суҳбатга тортдик.

**Қаҳрамон МАҲМУДОВ,**
**Пешку тумани ҳокими:**

— Жорий йилда туманимиз хўжаликларида 11340 гектар ерда пахта экилади. Ҳар гектар ердан 32,5 центнер, жами 36850 тонна пахта етиштириш мўлжалланган. Жумладан, пахтачиликда бу йил илк бор андижонликларнинг чигитни плёнка остига экиш илғор технологияси қўлланилмоқда. Айни чоғда хужаликларимизда 1200 гектарга ана шу усулда экишга киришдик. Лекин тез-тез ёғингарчилик бўлиши экишга бироз ҳалал бермоқда. Шунга қарамай қумлоқ ва соз ерлар ажратилиб, ҳозиргача 200 гектар ерда бу иш оби-тобида бажарилди.

Андижонликлар яратган сеялка ҳар томонлама илғор технологияга мос. Чигитнинг бехато униб чиқишини таъминлаб экади. Ҳозир ана шундай 24 та Андижон сеялкаси унумли ишлатиляпти. Хўжаликларда иш 2-3 сменада ташкил этилиб, ишчилар иссиқ овқат билан таъминланаётир.

Шу ўринда айтиш керакки, чигитни плёнка остига экишнинг афзаллик томонлари кўп. Етиштирилган пахта аввало 1-2 навларга сотилади ҳамда муддатидан 20 кун олдин пишади. Бизнинг шароитимизда суғориш 6 марта эмас 4 марта, культивация 7 марта эмас 4 марта ўтказилади. Пахта эрта териб олингач, дарҳол кузги буғдой экилади.

Утган йили кузда 5000 гектар кузги буғдой экилганди. Шундан 20.000 тонна дон етиштиришни кўзлаганмиз. Пахта етиштириш салмоғини ошириш мақсадида ана шу буғдой ўрни бушагач 2000 гектар ерга «Юлдуз» тезпишар пахта нави экишни мўлжалладик.

**Бахшулла МИРЗАЕВ,**
**Жондор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи:**

— Наврўз халқимизга осойишталик, битмас-туганмас бахт-саодат олиб келди. Инсон манфаатлари йили, деб ном олган бу йилда барчанинг ҳаётида шоду хуррамлик йўлдошимиз бўляпти.

Туманимиз меҳнат аҳли иқтисодиётнинг барча жабҳасида дадил қадам билан илдам бориб бекиёс ишларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, деҳқончиликда ҳам бу йил баракали бўлишига аминмиз. Шу мақсадда туманимизда кўкламги экишга зўр тараддуд кўрилди. Бу йил 17470 гектар ерга чигит қадалади. Шундан 1400 гектарига андижонликлар усулида экилади. Ҳозиргача 210 гектар ерда плёнка остига чигит экиб бўлинди. Айни чоғда ана шу технологияга мўлжалланган 20 та сеялка, 14 та мосламали сеялка, очиқ майдонда экадиган 173 та сеялка мавжуд.

Далаларда меҳнат баҳси авж олиб техникалар бир меъёрда ишлатилмоқда. 222 та ҳайдов, 573 та чопиқ тракторлари тўла қувватда фойдаланилмоқда. Хўжаликларда 205 гектар майдонда чигит қўшқатор усулида экилади. Бунинг афзаллик томони ғўза ривожи ва ҳосилдорлиги юқорилигидадир. Дондан бўшаган 2100 гектарга «Юлдуз» навли тезпишар пахтани экиш ниятидамиз.

Шу кунларда экиш суръати тезлашмоқда. Ибн Сино, Гагарин номли, «Авангард», Охунбобоев номли, «Зарафшон» жамоа хўжаликларини бунга мисол келтирса бўлади. Охунбобоев номли жамоа хужалигида «Молдава-450» навли маккажўхори экиш бўйича, Ибн Сино номли жамоа хўжалигида плёнка остида чигит экишга бағишлаб семинар-кенгашлар бўлиб ўтди.

Ҳа, жондорликлар зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштириб, умумий хирмонни 55.000 тоннага етказишдир.

**Воси НОСИРОВ.**

## ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март — 2 апрель кунлари давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлди.**

Биз Грецияни яхши биламиз. Дунё, хусусан, Ғарбий Европа тарихини Эллада маданияти ва санъати, қадимги дунё адабиётини эллинлар ҳаёлоти парвозидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ғайри дунё эса ҳамиша жозибадор булган, шу боис биз Эллада ҳақида кўп нарса билишга интилганмиз ва интиляпмиз. Зотан, Европа ва Осиё кишилари дунёқарашидаги икки қутбни айнан Эллада — қадимги Греция маданиятида кўриш мумкин. Осиёда барча интилишлар ва ҳиссиётлар ботиний бўлса, Грецияда зоҳирий, яъни улар ташқи гўзалликларга ошуфта эдилар. Қадимги грекларнинг худоси ҳам сизу бизга хос бўлган барча инсоний хислатларга эга одамлар сифатида тасвирлангани бежиз бўлмаса керак. Шарқ файласуфлари «қадимги Греция овози билан гапириб юборган европалик»ларнинг ғоят амалиётчи булганини бевосита ушбу тарихий омил билан боғлайдилар.

Мана шундай кўҳна тарих ва бой маданиятга эга Греция билан Узбекистон ўртасидаги алоқалар ибтидоси ҳам аслида жуда қадимга бориб тақалади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Қолаверса, Греция Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Узбекистон Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Европа иттифоқи, шу орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидан борар экан, бунда албатта, мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилган эди.

Уз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жуғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Узбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдор. Греция Президенти Константинос Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан бекиёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбати чоғида Узбекистон — Греция алоқаларини янги ривожланиш босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

— Бугун қадим тарихий алоқаларга эга давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни самарали тус олдириш учун имконият туғилди, — деди Президент Константинос Стефанопулос. — Узбекистоннинг минтақадаги қулай вазияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришаётган ютуқлари ва ниҳоят барқарорлиги грек ишбилармонлари учун бу мамлакатда самарали ишлаш имкониятини яратади. Бизнинг Узбекистон билан ўрнатган алоқаларимиз Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов Грециянинг Болқон минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора ошиб бораётганини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни ривож топтиришдан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ҳар икки томон манфаатига тўла мос тушишини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг

(Давоми 2-бетда)

*Матбуот сўзининг таъсири*

## ҲАРОМ ЎЛГАН СИГИРЛАРГА ЖАВОБГАР БОРМИ?

**«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 21 февраль сонида чоп этилган «Ҳаром ўлган сигирларга жавобгар борми?» сарлавҳали танқидий мақолада Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида чорвачилик соҳасида йўл қўйилган аянчли аҳвол рўй-рост очиб ташланганди.**

**Куни кеча таҳририят ушбу танқидий мақолага Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси У. З. Иномжоновдан қуйидаги хатни олди. Унда шундай дейилади:**

Тошкент вилояти прокуратураси томонидан «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 21 февраль сонида «Ҳаром ўлган сигирларга жавобгар борми?» сарлавҳаси билан босилган танқидий мақола юзасидан мутахассисларни жалб этган ҳолда текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида мақолада келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида 1996 йил давоми 41 бош қора моллар ҳаром ўлган ва 70 боши мажбурий сўйилган, бундан хўжалик 31444 сўм моддий зарар кўрган. Ушбу ҳолат бўйича «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Сафоев, бош зоотехник Р. Ишмуҳаммедов ва бош ветеринария врачи Н. Раҳимовларга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддасини 1 қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

С. Сегизбоев номли қишлоқ хўжалиги халқ корпорациясида 1996 йил давомида 26 бош қора моллар ҳаром ўлган ва 131 боши мажбурий сўйилган. Мақолада ҳаром ўлган молларни сони 40 бош деб нотўғри кўрсатилган. Ушбу хўжаликда молларни ҳаром ўлиши ва мажбурий сўйилишидан 16946 сўм моддий зарар кўрилган. Текшириш давомида хўжаликни зарар кўришида айбдор бўлган 7 та моддий жавобгар шахслардан 16946 сўм хўжалик ҳисобига ундирилди. Ушбу хўжалик раиси К. Элчибоев расман огоҳлантирилди, бош зоотехник А. Абдураҳимов ва ферма мудири З. Рустамовларга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

«Зангиота» хусусийлаштирилган чорвачилик фермасида бир йил давомида 46 бош қора моллар мажбурий сўйилиб, хўжалик 16125 сўм моддий зарар кўрган. Текшириш давомида хўжаликка етказилган моддий зарар 6 та айбдор шахсдан тўлиқ ундирилди.

К. Темирбоев номли ҳиссадорлик жамиятида 31 бош қора мол касалликдан мажбурий сўйилиб, жамият 17179 сўм миқдорида моддий зарар кўрган. Текшириш давомида 5 та айбдор шахсдан зарар суммаси тўлиқ ундирилди.

«Мурод» хусусийлашган чорвачилик фермаси 1996 йилни 1 октябрь ҳолатига «Маданият» жамоа хўжалигига хусусийлаштирилган мулк қийматининг 100 фоизини тўлаб, шахсий фермер хўжалигига айлантирилган. Ушбу хўжалик молларни мажбурий сўйилиши натижасида моддий зарар кўрмаган.

Оққўрғон туманида чорва бош сонини сақлашга қаратилган қонунларни бузилиши ва уларни келиб чиқишига сабабчи бўлган ҳолатларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокими А. Деҳқонбоевга тақдимнома киритилди.

**У. З. ИНОМЖОНОВ,**
**Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**

*Фахрийлар ташаббуси билан*

## БОҒ-РОҒЛАР ЧИРОЙИ

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Боғроғ яратган элда эъзоз топади. Кейинги йилларда бу ажойиб ҳаракат «Йўлларимизни обод қилайлик!» деган шиор остида кенг ривож топди. Бу ҳаракатни республикамиз уруш ва меҳнат фахрийлари бошлаб бердилар.

Навоий вилояти уруш ва меҳнат фахрийларининг мурожаати нур устига аъло нур бўлди.

Американинг Калифорния штатидан олиб келинган тез ўсувчи терак қаламчалари Навоий вилояти тупроғига экилди, 100 минг тупдан иборат бу тераклар яхши парвариш қилинди. Улар ҳозир 10 метргача ўсди. Шу экилган тераклар шохларидан тайёрланган қаламчалар яна кўпайтириляпти. Утган йилнинг ўзида тераклар сони олти миллион тупдан ошди.

Қизилтепа туманидаги»Деҳқонобод», «Тавоис» жамоа хўжаликларида янги боғ-роғлар барпо қилинди. «Ворозин» жамоа хўжалигидаги уч гектар ерда теракзор, олти гектар ерда эса замонавий чорбоғ юзага келди.

Нурота тумани фахрийлари ҳам катта ғайрат кўрсатиб Нурота чўлида қудуқ қазиб, сув чиқардилар. Натижада 10 гектар майдонда чорбоғ яратиш имкони туғилди. Кўплар ўз шахсий томорқаларида Калифорния теракларини ўстирмоқдалар.

Шу йилнинг эрта баҳорида Навоий шаҳри фахрийлари куч-ғайрати билан тут ва мевали кўчатлар экилди. Бир нечта қариялар чойхоналари ишга тушди.

Вилоятимиздан ўтган Буюк ипак йўлини обод қилишда ҳам фахрийларимиз ташаббускор бўлмоқдалар. Жумладан, Навоий, Тошкент карвон йўли, Навоий-Конимех-Зарафшон-Учқудуқ-Нукус автомобил йўли четлари яшил либосга ўралмоқда. Бунда вилоят йўл қурилиши бошқармаси бош-қош.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари йўлларини, тарихий ёдгорликларни ободонлаштиришдаги фахрийлар ташаббуси икки мингинчи йилгача мўлжалланган.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ФЕРМЕР НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги «Шуҳрат» хусусий деҳқон (фермер) хўжалигининг раҳбари Тожимирза Нуриев «Ташаббус-96» республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, ўз хўжалигига «Энг яхши фермер» номини ва совғага «Дамас» микроавтобусини олиб қайтди. Бундан ташқари унга 12 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Хуллас, Наврўз байрами Тожимирза учун унитилмас воқеа бўлиб қолди.

Пойтахтдан қайтиб келгач, баҳор байрами кунларида юртдошларининг никоҳ тўйларини, камхарж оилалардаги болаларнинг суннат тўйини ташкил этишда ёрдам берди. Келин-куёв ҳамда болаларга эсдалик совғалари, уларнинг номига пул қўйилган омонат дафтарчалари, байрам либослари топширилди. Марҳамат ва Асака туманлари ҳаваскор артистлари, Юнусали Ғозиев бошчилигидаги «Андижон самоси» дорбозлари тантаналар иштирокчиларини хурсанд қилдилар.

Айни пайтда Бобохуросон қишлоғида Андижон вилоятидаги дастлабки хусусий болалар боғчаси очилди. 60 ўринли боғчада болалар бепул тарбияланади. Тожимирза Нуриев болалар боғчасининг бекор қолган эски биносини сотиб олиб, уни ўз ҳисобидан таъмирлади ва бу боғчада болаларни тарбиялаш ҳаражатларини зиммасига олди. Яқин орада «Шуҳрат» деҳқон хўжалиги қошидаги 50 ўринли хусусий шифохона эшиклари очилади. Бу ерда ҳам харажатлар фермер ҳисобидан бўлади. Фермер бу йил яна сабзавот ва мевани қайта ишлайдиган иккита кичик корхона қуришни режалаштирган. Қишлоқ аҳлидан 150 киши бу корхоналарда иш билан таъминланади.

**ЎзА.**

